

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТУЙЧИЕВА МАХФУЗА УМАРКУЛОВНА

**5–7-СИНФЛАР АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН
ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

**13.00.02 – Таълим ватарбия назарияси ва методикаси (ўзбекадабиёти)
(педагогика фанлари)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд– 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогических наук**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Туйчиева Махфуза Умаркуловна

5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини
такомиллаштириш тизими 5

Туйчиева Махфуза Умаркуловна

Система усовершенствования учебных материалов по литературе с
5 по 7 классы 21

Tuychiyeva Maxfuza Umarkulovna

Enhancement system of textbook materials of literature from 5 to 7 grades
public schools 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТУЙЧИЕВА МАХФУЗА УМАРКУЛОВНА

**5–7-СИНФЛАР АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН
ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

**13.00.02 – Таълим ватарбия назарияси ва методикаси (ўзбекадабиёти)
(педагогика фанлари)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped154 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва Ziyonet Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳусанбоева Қундузхон Парпалиевна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Матчонов Сапа
педагогика фанлари доктори, профессор

Қодиров Валижон Абдурахмонович
педагогика фанлари доктори(DSc)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.:(0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14, e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (129-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.:(0366) 239-12-29.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Урақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмийкотиби, п.ф.д.,(PhD)

Н.Ш.Шодиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда адабиётни ўқитишнинг муҳим ва самарали масаласи сифатида ўқув дарсликларига дидактик материаллар танлаш, таълим жараёнига ўқитишнинг илғор шакл, усул ва воситаларини татбиқ этишга катта аҳамият қаратилиб, замонавий адабий таълимни амалга оширишда ўқув материаллини танлашнинг турли ўлчамлари жорий этилмоқда. Мазкур ўлчамлардан бири ҳисобланган ўқув материаллининг “ўқишлилик” даражаси илғор мамлакатларда миллий таълим хусусиятларини ўзида акс эттиради, дарсликларга қўйиладиган талаблар Флеш индексига мослик тамойилига асосланади.

Жаҳон миқёсида адабиёт дарсларини мулоқотга йўналтириб ўқитиш, унинг ирода ва характерни шакллантиришдаги ўрни ва хусусиятлари, шахснинг камол топиши учун адабиёт дарсларида бадиий матн моҳияти, инсон руҳиятига (хусусан ҳиссиётлари, интеллекти, тафаккурига) таъсири, ўқув материаллининг предметлараро алоқаси ҳамда билимлар изчиллигига йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар умумтаълим мактабларида дарс жараёни ва дарсликка ўқув материаллари танлаш орқали адабий таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга умумжаҳон педагогик ёндашувларнинг тизимлашувига имкон яратмоқда.

Мамлакатимизда маънавий ҳаётни юксалтириш, миллий ва жаҳон адабиёти тарғиботини кучайтириш, ёшларда китобўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар адабий таълим самарадорлигини ошириш, мукамал ўқув материалларини лойиҳалаш, ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш имкониятларини кенгайтирмоқда. “Ўзбекистонда ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари”да: “Юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу эса, адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини ўсмир ёшдаги ўқувчилар руҳий хусусиятларини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш ва ўқишлилик индексига мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, илғор инновацион технологияларни аниқлаштириш орқали ёшларда китобхонлик маданиятини ҳосил қилишнинг долзарблигини кўрсатади.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий педагогикамизда А. Зуннунов, Қ. Йўлдошев, Ҳ.М. Суюнов, Н.И. Тайлаков, Қ.Т. Олимов, Г.С.Эргашевакабиларнинг тадқиқот ишларида мактаб дарсликлари муаммолари ўрганилган. Уларнинг ишларида она тили, адабиёт, саводга ўргатиш, меҳнат, информатика, биология таълими дидактикаси, дарсликларнинг яратилиш тарихи, уларнинг илмий-педагогик асослари тадқиқ этилган. Хусусан, методист олим Қ. Йўлдошев мактаб “Адабиёт” дарсликлари характери, тили, дарсликда бадиий матн таҳлили, ёзувчиларнинг таржимаи ҳоли, савол ва топшириқларнинг берилиши кабиларга алоҳида тўхталган. Ҳ.Суюнов эса савол-топшириқлар ва уларнинг адабий таълимдаги ўрнини ўрганган.

М. Мирқосимова, С. Матжонов, Қ. Ҳусанбоева, Р. Ниёзметова, М.Исаева, М. Жамолитдинов, А. Тилегеновлартомонидан адабиёт дарсларига ўқув материалларини танлаш муаммолари қисман ўрганилган.

М.Ғ. Жамолитдинов ўқувчилардаги стандарт фикрлашга одатланиш, китобхонликка қизиқишнинг пасайиши, бадиий асар таҳлилида дарсликдан четга чиқа олмаслик, ўз фикри ҳамда ҳис-туйғуларини ифода қила олмаслик, иншо ёзишда бир хилликдан қутула олмасликнинг сабабларини дарсликларда кўради. Дастур ва дарсликларда тақдим этилган ёзувчи ижоди ёки асарларини бир хил талаб асосида стандарт бўйича ўрганиш талаб қилиниши ва кўрсатилишини, дарс эса шунга бўйсундирилишини таъкидлайди.

Адабий таълимда асарларнинг жанрларини ўрганиш масаласи устида иш олиб боргантадқиқотчилар ҳам ўқув материалларининг хусусиятларига эътибор қаратишган. Жумладан, А. Тилегенов мактаб “Адабиёт” дарсликлари учун халқ дostonларидан намуналар танлаш хусусида тадқиқот олиб борган. Лекин қайд этилган ишларда 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунини такомиллаштириш механизмлари” номли банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5–7-синф адабиёт дарсларида берилган ўқув материалларини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий-методик асосларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришда ўсмир ёшдаги ўқувчилар руҳий хусусиятларини назарда тутишнинг аҳамиятини белгилаш;

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш заруриятини илмий-назарий асослаш;

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришни таъминлайдиган самарали инновацион технологияларни аниқлаш;

адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини ўқишлилик индексига мослаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришга қаратилган методик тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объектисифатида 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш жараёни белгиланган ва тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри ва Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятларидаги бта мактабнинг 792 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети. 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш жараёнининг мазмуни, методик шарт-шароитлари, шакллари, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Анализ-синтез, педагогик лойиҳалаш, суҳбат, педагогик кузатиш, анкета, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув мазмунининг психологик, педагогик ва дидактик имкониятлари бадиий асарни ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар (ёзувчи биографияси; мультимедиа, иллюстрацияли савол ва топшириқлар;

тарқатмалар; мақолалар; мимикали, оҳангли)ни аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

адабиёт дарсларида бадиий матнни ўзлаштириш методикаси ўқув материалларини шакллантиришда ўсмирлик ёш даври хусусиятларидан келиб чиқиб, адабий таълимнинг креатив компонентлари таркибига аналитик тафаккурни ривожлантириш кўрсаткичларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

адабиёт фанидан ўқув материалларини такомиллаштиришга йўналтирилган тизимли ёндашув “Ўқишлиликнинг Флеш индекси”га мосликни таъминлашда ўқувчи ёш психологияси хусусиятлари ва мустақил ишлаш кўникмаларига устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

дарсликлардаги ўқув материаллари устида ишлашга қўйиладиган методик талаблар матнларнинг тузилиши(яхлитлик, тугалланганлик, тўлдирувчилик, мувофиқлик) ва эмоционал хоссаларига (тўлқинлантириш, қизиқтириш, кечинмалар ёрқинлиги ва яқинлиги) мувофиқ ўқув меъёрларини (бадиий юксаклик, услуб ва жанр жиҳатдан хилма-хиллик, ўзлаштириш имкониятлари) белгилаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларига қўйиладиган педагогик талаблар ва уларнинг жаҳон “Ўқишлилик индекси” мезонларига мослиги аниқланган;

5–7-синф ўқувчиларига адабиётдан мавзуларни пухта ўзлаштиришга кўмаклашувчи дидактик воситалар тизимлаштирилган;

5–7-синф адабиёт дарслари учун ўқув материаллари танлаш, бадиий матн таҳлили, ўқувчилар учун савол ва топшириқлар ишлаб чиқишда ўсмирлик ёш даври хусусиятларига таянишни назарда тутувчи, ўқув материалларини ҳар томонлама такомиллаштиришда асқотадиган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот муаммосига илмий-назарий, психологик ва педагогик жиҳатдан ёндашилганлиги, унинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган методлардан фойдаланилганлиги, тажриба-синов ишларининг кенг миқёсда изчил олиб борилганлиги, педагогик тажриба натижаларини математик-статистик усул билан аниқланганлигидан иборат бўлиб, улар эълон қилинган илмий мақолаларда, республика ва хорижий илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда, Сирдарё вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида маъруза шаклида ўз ифодасини топган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда муаммони ҳал этишга қаратилган методик ёндашувлар, қарашлар, илмий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, ўсмирлик ёш даврида адабий тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган методик вазиятлар мазмуни, принциплари, шакллари, воситалари, усуллари, психологик имкониятлари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади. Диссертацияда илгари

сурилган ғоялар асосида адабиёт дарсларида ўқув материаллини тақдим этиш орқали ўқувчиларни юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшлар қилиб тарбиялаш имконияти ошади. Шунингдек, 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараён унинг методик, психологик хусусиятлари, мазмуни, воситалари, метод ва усуллари билан бойитилган.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва методик тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг 5–7-синфларида адабиёт дарсларини ўқитишда фойдаланилади. Шунингдек, уларни адабиёт ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида қўллаш имконияти мавжуд.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизимига доир тадқиқот натижалари асосида:

5–7-синф адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув мазмунининг психологик, педагогик ва дидактик имкониятларини такомиллаштириш, бадиий асарни ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар (ёзувчи биографияси; мультимедиали, иллюстрацияли асар, савол ва топшириқлар; тарқатмалар; мақолалар; мимикали, оҳангли)ни аниқлаштиришга оид таклифлардан ФЗ-2016-0909111822ХТ рақамли “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2016–2018) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3950-сонли маълумотномаси). Ушбу лойиҳа доирасида дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмуни кенгайтириш, ўқувчиларда “оммавий маданият”га онгли иммунитетни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, билим ва иқтидорни ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик механизмлари такомиллаш-тирилган;

адабиёт фанидан ўқув материалларини такомиллаштиришга йўналтирилган тизимли ёндашув, “Ўқишлиликнинг Флеш индекси”га мосликни таъминлашда ўқувчи ёш психологияси хусусиятлари ва мустақил ишлаш кўникмаларига оид таклифлар ИОТ-2012-1-37 рақамли “Ўзбек педагогик энциклопедик сўзлиги” (2013–2014) мавзусидаги илмий лойиҳани бажариш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3950-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа ўзбек педагогик энциклопедик сўзлигини бойитишга хизмат қилган;

адабиёт дарсларида бадиий матнни ўзлаштириш методикасини такомиллаштириш, адабий таълимнинг креатив компонентлари таркибига аналитик тафаккурни ривожлантириш кўрсаткичларини киритиш, дарсликлардаги ўқув материаллари устида ишлашга қўйиладиган методик

талаблар, матнларнинг тузилиши ва эмоционал хоссаларига мувофиқ ўқув меъёрларига оид таклифлардан Ф1-ХТ-0-16955 рақамли “Телекоммуникатив тизимни глобаллаштириш шароитида мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг фундаментал муаммолари” (2012–2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3950-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа ёшларнинг ўсмирлик даврида аналитик тафаккурини ривожлантириш асосида ахлоқий тарбиялаш методларини жорий этиш, умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дарсларида ўқувчиларда таянч ва хусусий компетенцияларни шакллантириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3та республика ва 2та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24та илмий иш чоп қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7та мақола, жумладан, 6та республика, 1та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 148саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида адабиёт дарсларидан ўқув машғулотларини ташкил этиш, ўқув материалларини танлаш ва улардан фойдаланишда 5–7-синф ўқувчиларининг айнан қайси рухий хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги, қандай психологик жиҳатларига таъсир этиб адабиёт таълимида етук шахс тарбиялашда самарадорликка эришиш мумкинлиги аниқланган. Масалан, ўсмирлик даврининг характерли жиҳати кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туриши, яъни эмоционал беқарорликдир. Бундай беқарорликлар ўсмир иззат-нафсига дахл қилинган ҳолатда содир бўлади. Чунки ўсмирлик даврида бола ўз нафсониятига алоҳида урғу беради. Бадиий асарни ўрганишда қаҳрамон ҳолатини ҳис этиш, ўз қарашларини ҳиссиётларига таянган ҳолда ифодалаб


беришига йўналтириш адабий таълимда ўсмирлик даврининг энг мураккаб жиҳати – эмоционал беқарорликдан ўқувчининг ўзи учун унумли фойдалана билиш босқичи ҳисобланади. Энергиянинг осон уйғониши, фаолликнинг ошиши, ғайратини ичига сиғдирилмаслик хусусияти, ҳамкорликдаги ва гуруҳ таркибида амалга ошириладиган ўқув фаолиятига алоҳида мойиллик кўрсатади. Таълим олишдаги зўриқишларни иложи борича камайтириш орқали ўзлаштирганларини кўз-кўз қилишга мойил бўлиш, ўсмирликнинг илк даврига қадам қўйган ўқувчиларнинг айримларида ўқишга бўлган қизиқиш сусайиб қолиши, билимларни ўзлаштириши қийинлашиб, ўқитувчисининг танбеҳлари ва эътирозларига ноадекват муносабат кўрсатиши, тенгдошлари билан муносабатда муаммоларга дуч кела бошлаши каби салбий жиҳатларни енгиш мумкинлиги баён қилинган.

Мазкур бобда “Адабиёт” дарсликларидаги ўқув материаллари синфлар кесимида таҳлил қилиниб, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган. Ўқув материалларининг тили, бадий матн таҳлили, савол ва топшириқларнинг берилиш тарзи, ёзувчиларнинг таржимаи ҳолига алоҳида тўхталинган. Бобда илгари сурилган назарий қарашлар асосида маълум хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **“5–7-синфлар “Адабиёт” дарсликларидаги мавжуд ўқув материалларини такомиллаштириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими ишлаб чиқилган. Тизим ўз ичига ўқув материаллари шакллари, ўқув материаллини тақдим этиш усуллари ҳамда ўқув материалларини ўргатиш воситалари (дарслик, луғатлар, методик қўлланмалар, техника воситалари)ни олади. Адабий таълимда фойдаланиладиган ўқув материаллари шакллари – дарсликда тақдим этилган бадий асар намунаси, асар ҳақидаги мақола, ёзувчи биографияси, матнлар мазмуни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар, назарий маълумотлар ва айрим шеваларда қўлланиладиган, тарихий ёки эскирган сўзлар изоҳини акс эттирувчи луғатлардан иборат бўлади.


Дарслик муаллифи ва ўқитувчи ўқув дастурида белгилаб қўйилган бадий асарни ўқувчининг ўзлаштиришига қулай тарзда тақдим этиши лозим. Шунга кўра, ишлаб чиқилган 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими қуйидагича ифодаланади (1-расм). 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими моделида акс этган ўқув материалларининг турлари бадий матннинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, ўқитувчининг профессионал маҳоратига, тажрибасига боғлиқ бўлган мимикаси, гап оҳанги ва машғулот жараёнида фойдаланиладиган турли тарқатмалар ҳам бадий асарни ўзлаштиришга таъсир кўрсата олади.



1-расм. 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштириш тизими

Бадий асарни ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллардан ўринли ва самарали фойдаланиш ўқувчиларда бадий дид ва тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади (2- расм).



2-расм. Бадий асарни ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар

Давлат таълим сандартига кўра умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларида (А2) адабиёт фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантирилиши билан бирга адабиёт фанида адабий-нутқий компетенция, бадий асарни таҳлил қилиш компетенцияси шаклланган бўлиши керак. Ўқувчида таянч ва хусусий компетенцияларни шакллантириш бир неча омилларга боғлиқ. Ўқув материалининг ўқишлилик даражаси ҳам шундай омиллар сирасига киради. Ўқишлилик туфайли матн енгил ўзлаштирилади, ўқувчида зўриқиш кузатилмайди.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида ўқув материалининг ўқишлилик индекси талабига мос келишига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. АҚШнинг кўпгина штатларида матннинг ўқишлилик индекси мувофиқ келиши қонун билан ҳам белгилаб қўйилган. Россияда ҳам бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилган. Қозоғистонда ҳам дарсликларга қўйиладиган талабларда флеш индексига мослиги киритилган. Ўзбекистонда ҳали бу борада изланишлар кузатилганича йўқ.

Жаҳон тажрибасида ўқув материални объектив баҳолашга эҳтиёж сабаб қилинган тадқиқотлар натижасидан адабиёт таълимида қўллаш зарурлиги ўқув материаллари таҳлилида яққол намоён бўлди. Флеш индекси (муаллифи америкалик Рудольф Флеш) инглиз тилидаги ўқув материалларининг ўқувчи томонидан ўзлаштирилувчанлик даражасини аниқлаш мезони бўлиб, Америкада кенг тарқалган ўлчов бирлигидир. Флеш фаолияти давомида матнларнинг баландпарвоз, жимжимадор бўлишига қарши бўлган. Фикрни аниқ, тушунарли, содда кўринишда бериш имкони

бўлганда, сунъий мураккаблаштиришдан қочиш лозимлигини уқтирган. Флеш индекси оммалашганлигига кўра бу каби бошқа тадқиқотлардан устунлик қилади. Россияда И.В.Оборнева бу мавзуда илмий иш ҳимоя қилиб, матннинг ўқишлилик даражасини аниқлашнинг автоматик усулини ишлаб чиққан.

Флеш матннинг мураккаблик даражасини қуйидаги формула орқали аниқлаган:

$$FRE = 206.835 - 1.015 \left(\frac{\text{сўзлар сони}}{\text{гап сони}} \right) - 84.6 \left(\frac{\text{бўғин сони}}{\text{сўзлар сони}} \right)$$

Флеш индексини ўзбек тилидаги матнлар учун татбиқ этишда уни инглиз тили учун ишлаб чиқилганлигини инобатга олиниб, тилларнинг тузилиши солиштирилди. Ўзбек тилида грамматик маъно кўшимчалар ёрдамида ифодаланиши, бир хил матнларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги таржималари солиштирилганда, маълум ахборотни беришда ўзбек тилидаги матн инглиз тилига қараганда кенгроқ эканлиги кузатилди. Ўзбек тилида ўртача гап узунлиги инглиз тилидан калтароқ, ўртача сўз узунлиги эса узунроқ. Иккита бир хил мазмундаги, лекин: ўзбек, инглиз тилидаги матнлар солиштирилганда ўзбек тилида гап инглиз тилига қараганда қисқа, сўз эса узун эканлиги кузатилди. Шу сабаб, Флеш индексини ўзбек тилидаги матнларга татбиқ этишда орадаги фарқни тахминан 30% деб олинди.

Ўзбек тилидаги матннинг махсус ўлчов версиясини ишлаб чиқиш учун инглиз тилидаги матн ва унинг таржимаси учун олинган индекслар таққосланиб, коэффицентни аниқлашга уриниб кўрилди.

Флеш индексининг дастлабки ўзбек тилига мослаштирилган ҳолати қуйидаги шаклда:

$$FRE = 206.835 - 0.7105 \left(\frac{\text{сўзлар сони}}{\text{гап сони}} \right) - 59.02 \left(\frac{\text{бўғин сони}}{\text{сўзлар сони}} \right)$$

тавсия қилинган.

Мазкур формулага солиш учун маълум мавзудаги матндан 100 сўздан иборат парча ажратиб олинди. Аввал шу 100та сўз нечта гапда иштирок этганлиги аниқланди. Сўнгра парчадаги бўғинлар саналиб 100га бўлинди. Шунда парчадаги сўзларнинг ўртача узунлиги келиб чиқди. Олинган натижа формулага қўйилди ва FRES даража кўрсаткичи бўйича қуйидагилар келиб чиқди:

100 –жуда осон ўқилади. Гапнинг ўртача узунлиги 12 ва ундан камроқ сўзлардан иборат. Иккитадан ортиқ бўғинли сўзлар йўқ;

65– осон ўқилади. Гапнинг ўртача узунлиги 15дан 20гача сўзни ташкил этади. Сўзлар ўртача 2 бўғиндан иборат;

30– ўқиш бироз мураккаб. Гапларда 25тагача сўзлар учрайди. Одатда 2 бўғинли сўзлардан иборат бўлади;

0– ўқиш жуда мураккаб. Ўртача битта гапда 37 сўз мавжуд. Сўзлар ўртача 2тадан кўп бўғинлардан иборат.

Флеш индекси талаблари бўйича танланган ўқув материали адабиёт таълимида янада самарали хизмат қилиши учун унга педагогик ёндашув

талаб этилиши сабабли, бадий асардаги ёзувчи маҳоратини кўрсатиш, бадий сўз воситасида китобхонга таъсир қиладиган ўринларга ўқувчини йўналтириш йўллари ўрганилган.

Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”, Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шахзода” каби бола руҳияти нозик ифодаланган асарларни ўрганиш мисолида ўқувчига эмоционал таъсир ўтказиб, сезгилари орқали ўзлаштирилган янги билимлар унинг ёдида қолиши, осон тушунилиши мумкинлиги, шунингдек, муносабат билдириш асносида унинг шахсияти яққолроқ очилиши назарий-методик жиҳатдан асосланган. Ўқувчининг савол-топшириқларга матнга таянган ҳолда ўз фикрини, ўйларини айтишга ҳаракат қилгани, шу билан бирга ёзувчининг тасвирни бериш, қаҳрамон руҳиятини кўрсатишдаги маҳоратини баҳолаб борганлиги, натижада машғулотга қизиқиши ортганлиги, унда эркин фикрлаш кўникмаси ва бадий диди шакллана бориши мумкинлиги амалий хулосаланган.

Дарс жараёнида ўқувчиларни мувозанатдан чиқарадиган, қизиқтирадиган, уларни ўйлантирадиган, табиатига, ёш хусусиятига мос мавзулар кўпроқ берилиши, матнлар юзасидан тақдим этилган савол-топшириқларнинг турфалиги ва уни ўқувчи шахсига қаратилган бўлиши адабиёт дарслари самарадорлигинингасоси бўлади. Ўсмирлик даврида мулоқотнинг етакчи фаолият даражасига чиқиши, 5–7-синф ўқувчисининг ўзи кичик тадқиқот ишларини олиб бориши: бир неча манбалар билан ишлаши; далилларни солиштира олиши; унинг дунёқараши тез кенгайиб, бу ёшдаги ўқувчиларда бир-бирлари билан, ўқитувчиси билан баҳслашишга мойиллик кучли бўлиши аниқланган. Бунинг учун ижодий фаолият юритадиган муҳит зарурлиги, муҳитни яратишда эса ўқув материалларининг ўрни муҳимлиги асослаб берилган.

Бобда адабиёт дарсларида ўқув материалларини ўқувчилар осон ўзлаштиришлари учун методик тавсиялар берилган. Бобда ёзувчи таржимаи ҳолини қуйидаги тарзда бериш таклиф этилган:

1. Ёзувчи таржимаи ҳолини ҳикоя шаклида ташкил қилиш. Бу қуйидагиларни қамраб олади: ғайриоддий, ўзига тортувчан бошламалар (эпиграфлар) (бу ўқувчини мавзуни ўзлаштиришга кўп жиҳатдан тайёрлайди); ёзувчи болалик ёки ўсмирлик таассуротларининг аниқ тасвири, яъни бир мақсад сари йўналтирилган, кейинчалик у етук инсон бўлиб шаклланганда асарларида ўз тимсолига эга бўлган воқеа ҳодисалар, хотиралар; унинг ўсмирлик йилларидаги йирик режалари; муаллифнинг маълум ёшида ўзи учун қизиқарли бўлган ахлоқий, этик-эстетик муаммолари; таржимаи ҳоллар ичида ўрганилажак бадий асарлардан кичик лавҳалар келтириш.

2. Миллат улуғларининг асари ўрганилаётган ёзувчи ҳақидаги хотиралари, мемуарлар, ёзишмалар, ёзувчининг кундаликларидан намуналар, таржимаи ҳол жанридаги асарлари.

3. Кўргазмалиликнинг ҳар хил шаклларига мурожаат қилиш: тасвирий санъат; ёзувчи уй-музейига доир экспонатларнинг суратлари; аудио ва видео ёзувлар.

4. Ёзувчининг ижодий портретини намоёиш қилиш. Бунда қуйидагилар асосий усуллардан бўлиши мумкин: бадий асарлардан олинган парчаларни ифодали ўқиш; ёзувчи ҳикматларидан, танқидий қарашларидан фойдаланиш; ўқувчиларнинг шу мавзу асосида маъруза ва ахборотлари; иншолар, баёнлар, муस्ताқил ишлар; ёзувчи шахсига бағишланган шеърлар.

Бобда С.Матжон томонидан савол-топшириқларнинг мазмун моҳиятига кўра бўлинган: асарларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини ўрганиш ва умумий мазмунини ўзлаштиришга доир савол ва топшириқлар; ўрганилган адабий-назарий тушунчаларни муस्ताҳкамлашга доир савол ва топшириқлар; адибларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан берилган маълумотларни ўзлаштиришга доир савол ва топшириқлар; асар воқеалари мисолида ўқувчиларнинг ҳаётга муносабатини аниқлашга доир савол ва топшириқлар каби тўрт гуруҳига бешинчи: ўқувчини муस्ताқил ўқишга, изланишга ундайдиган савол ва топшириқларгуруҳиилова қилинган.

Бобда савол ва топшириқларнинг шаклларига кўра қуйидаги турлари: муаммоли вазиятларга изоҳ бериш билан тасаввурини кенгайтирадиган ва уни оғзаки тарзда ифодалашга қаратилаган (“Агар... сиз бўлганингизда...”); таққослаш ва хулоса чиқаришга, изланишга ундайдиган (“... қахрамон ўрнида ...асар қахрамони бўлганда); назарий маълумотларни такрорлаш билан бирга ўзлаштирган билимларини амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган (“...асарнинг жанр хусусиятларини изоҳланг”); ёзувчи ҳаёти ва ижодига доир (“...нинг асарларини сананг”, “... асарларидаги муаллифнинг ўзига хос характер хусусиятларини кўрсатинг”) каби саволлар қолипи тақдим этилган.

Асосий дарсликка кўшимча равишда тузилган, худди “Адабиёт” дарсликларидагидек руқунлар, дарсликдан ўрин олган асарларнинг кенгроқ намунаси, ўша адибларнинг бошқа асарларидан намуналар, дастурда муस्ताқил ўқишга тавсия этилган бадий асарлар, ҳар мавзудан кейин ўқувчи билимини текширувчи савол ва топшириқлар, тестлар, тасвирий санъат намуналари кенг миқёсда тақдим этилганлиги билан оммавий нашрлардан фарқ қиладиган, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ошириб, бадий асарни ўқиб, анализ-синтез қилиш малакасини ҳосил қилишга хизмат қиладиган "йўлдош-дарслик"лар яратиш таклифи берилган.

Ушбу бобда ўқувчиларни фаолликка ундайдиган, уларни муस्ताқил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш масъулиятни сезиш, таҳлил қилиш,кўшимча адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, китоб мутоласига бўлган қизиқишларини кучайтирадиган, нисбатан кам қўлланиладиган, лекин бадий асарни ўрганишда самараси катта бўлиши тажрибаларда кўринган бир нечта методлар тавсия қилинган. Масалан, адабий таълим амалиётида муомала одобига риоя қилган ҳолда ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлай оладиган, яъни коммуникатив компетенцияни ривожлантирадиган, ўқув материали билан ишлашнинг айнан ижодий фикрлашга йўнатирилган “Мозаика”методи; ўқувчи билимлари кўламини аниқлаштиришда, бир вақтининг ўзида икки ўқувчи билимини назорат қилиш, баҳолай олиш имконини берадиган, бадий матнга синчковлик билан ёндашишни

шакллантирадиган “Ҳа ва йўқ” методи; лирик асарларни ўрганишда шоир маҳоратини ўқувчи тасаввурида ёрқинроқ акс этириш учун, насрий ва шеърий асарлардаги сўзларнинг ўз ва кўчма маъносини фарқлаб, асар намуналарини ифодали ўқиб ва мазмун-моҳиятини тушуниб, муносабат билдиришни, яъни ўқувчида адабий-нутқий ва бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциясини ривожлантирадиган топшириқ сифатида тавсия этиладиган “Шоир ижодхонасида” деб шартли номланган дидактик методлардан фойдаланиш асарлар мисолида тақдим этилган. Бобда назарий хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **“5–7-синфларда олиб борилган тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалар”** номли учинчи бобида адабиёт дарсларида ўзлаштирилладиган ўқув материалларини такомиллаштирилган тизимида 5–7-синф ўқувчилари томонидан ўзлаштирилишининг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги 206-, Оққўрғон туманидаги 23-, Янгиер шаҳридаги 4-, Гулистон туманидаги 5-, Самарқанд шаҳридаги 64-, Ургут туманидаги 26-умумтаълим мактабларида олиб борилди. Тажриба-синов ишларида сўровнома, кузатув, суҳбат каби методлардан ҳам фойдаланилди. Тажрибасинфларда 792 нафар ўқувчи иштирок этди. Улардан мезонларга мувофиқ равишда баланд даража 52,7%ни ташкил қилди, бу тасдиқловчи машғулотлар ўтказилганидан сўнг 19,9%га ошганлигидан дарак беради, ўртача даража 37,8%ни ташкил этиб, 1,9%га ошганини, шунингдек, паст даража 9,5%ни ташкил этиб, тажрибадан олдингига қараганда 21,8%га камайганини кўрсатди.

1-жадвал

Ўқув материалларидан фойдаланиш натижалари

Даражалар	Тажриба-синовсинфлари (390 нафар ўқувчи)		Назоратсинфлари (402 нафар ўқувчи)	
	Бошида(мавжуд ўқув материали асосида)	Охирида(такомиллаштирилган ўқув материали асосида)	Бошида	Охирида
Юқори	32,8%	52,7%	33,1%	33,8%
Ўрта	35,9%	37,8%	34,3%	35,1%
Паст	31,3%	9,5%	32,6%	31,1%

Умуман олганда, назорат гуруҳи ўқувчилари ва тажриба гуруҳи ўқувчиларининг тажрибавий дарсларидаги натижалари таққосланганда, ўқувчиларда тасаввур, ижодий фикрлаш ва мустақил ишлашнинг баланд даражаси 18,9%га ошган бўлса, ўрта даража 2,7%га ўсган, паст кўрсаткичли ўқувчилар миқдори эса деярли 21,6%га камайганини кўрсатди. Бу далилларга асосланиб, тажриба натижаларини ижобий ва самарали деб тан олиш мумкин.

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда 5–7-синф адабиёт

дарсларида ўқув материалларини такомиллаштириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари асосида тажриба ва назорат синфларидаги ўқувчилар билимларининг ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

Тажриба-синовда 390 нафар ўқувчи тажриба синфида ва 402 нафар ўқувчи назорат синфида иштирок этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфи ўқувчилари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.



Юқоридаги жадвал асосида назорат синфи ва тажриба синфида ўқувчилар ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотезани танлаймиз. Юқоридаги жадвалдан тажрибадан олдинги тажриба ва назорат синфларидаги натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамиз:

2-жадвал

5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштириладиган ўқув материалларини такомиллаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

Муддати	Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштиришдаражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба бошида	Тажриба синфи	390	128	140	122
	Назорат синфи	402	133	138	131
Тажриба якунида	Тажриба синфи	390	206	147	37
	Назорат синфи	402	136	141	125

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



Тажрибадан олдин

Тажрибадан кейин

1-расм. Тажриба синов натижалари

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс этган:

\bar{x}	\bar{y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,02	2	Тажриба бошида самарадорликка эришилмаган								
2,44	2,03	0,4264	0,6491	1	2	7,88	759,4	38,62	0,06	0,08

Олинган натижалардан маълумки, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш назорат синфидагига нисбатан 13,6% га ошганлигини англатади.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаганда қуйидагиларга эришилди.

Маълумки $\bar{x} = 2,44$; $\bar{y} = 2,03$ $\Delta_x = 0,06$ $\Delta_y = 0,08$ га тенг. Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,44 - 0,06}{2,03 + 0,08} = \frac{2,38}{2,11} = 1,13 > 1;$$

$$K_{bob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,44 - 0,06) - (2,03 - 0,08) = 2,38 - 1,95 = 0,43 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Юқорида олиб борилган статистик таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, 5–7-синфлар адабиёт дарсларида ўзлаштирилаётган ўқув материалларини такомиллаштиришга қаратилган тажриба-синов таҳлилларуниреспубликамизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида фойдаланиш учун оммалаштириш мумкинлигига асос бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари асносида қуйидаги умумий хулосалар чиқарилди:

1. Умумий ўрта таълим иккинчи босқичининг дастлабки бўғини бўлган 5–7-синфлар ёшидаги ўсмирлар учун “Адабиёт” дарсликларида материал танлашда ҳар томонлама: ҳам психологик, ҳам маънавий, ҳам жисмоний-физиологик ўзгаришларнинг инобатга олиниши адабий таълим самарадорлиги гаровидир.

2. Умумтаълим мактабларининг 5–7-синфлари ўқувчилари, умуман, ўқишга, хусусан, адабиёт дарсларига муносабати ҳам, бадиий асарлар ва уларнинг қахрамонлари шахсига ёндашуви ҳам турлича бўлади. Ўсмирларнинг бу босқичдаги фикрлаши, баҳслашишга, тортишувларга мойиллиги хуш кўришининг ўқув материални танлашда диққат марказида бўлиши фаолият самарадорлигини таъминлайди.

3. Дарсликларга ўқув материали сифатида бадиий асарлар танлашда 5–7-синфлар ўқувчиларида камчиликлар ва салбий сифатларни енгиб ўтишга интилиш кучайишини ҳисобга олиш ва уларда дидактик воситаларнинг шу жиҳатини янада ривожлантиришга қаратиш маънавий комиллик сари юз бурган авлодни шакллантириш мақсадига мувофиқ бўлади.

4. Ўқув материалларини дунё миқёсида амал қилинаётган ўқишлиликнинг Флеш индекси асосида текширувдан ўтказган ҳолда тақдим этиш ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантирилиши билан бирга адабиёт ўқув фанида адабий-нутқий компетенцияни, бадиий асарни таҳлил қилиш компетенциянинг шаклланишига, айти замонда, адабий таълимнинг самарадорлигини таъминлашга замин тайёрлайди.

5. “Адабиёт” дарсликларида ўқувчиларга тақдим этилган бир қатор ўқув материалларида филологик ёндашув устуворлик қилади. Умумий ўрта таълим битирувчиларининг барчаси адабиётчи бўлмаслигини назарда тутиб адабий матнлар мазмуни билан боғлиқ “асар ҳақида”ги мақолаларни мактаб адабий таълимининг мақсадига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ўринли бўлади.

6. Ўқув материалларини қайта ишлаш ва такомиллаштиришда, уларни ўрганиш метод, усул ва воситаларини танлашда таянч ҳамда хусусий компетенцияларнинг узвий, муштарак бўлиши адабиёт таълимининг савиясини кўтаради, самарадорлигини таъминлайди.

Тавсиялар

1. “Адабиёт” дарсликларининг ҳажми масаласида қатъий чегара белгилаб қўйилган. Шу боисдан адабиёт дарсларида фойдаланиш учун қўшимча йўлдош дарсликлар яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай йўлдош дарсликлар билан адабий таълимнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Йўлдош дарсликларда асосий дарсликда кичик ҳажмда берилган бадиий асарлар кенгайтирилган тарзда тақдим этилиши мумкин. Қолаверса, дастурда мустақил ўқиш учун тавсия этилган асарлар ҳам йўлдош дарсликларнинг материали бўлиши мумкин.

2. “Адабиёт” дарсликлари учун ўқув материални танлашда соҳа билимдони бўлишнинг ўзи камлик қилади. Дарсликлар яратувчилар ўз соҳаси бўйича билимларига қўшимча равишда педагогика, психология, ёш психологияси, ўқитиш методикасидан хабардор бўлишлари тақозо этилади.

3. Ўқув материални ўқувчи яхши ўзлаштириши учун унга доир иллюстрацияларни кўпайтириш, ижодкорларнинг уй-музейлари ҳақидаги маълумотларни ҳам киритиш, улар ҳақидаги бадиий ва ҳужжатли фильмлар каталогини бериш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

ТУЙЧИЕВА МАХФУЗА УМАРКУЛОВНА

**СИСТЕМА УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕБНЫХ МАТЕРИАЛОВ
ПО ЛИТЕРАТУРЕ С 5 ПО 7 КЛАССЫ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (узбекская литература)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

Самарканд – 2019

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Ped154.

Докторская диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском(резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	ХусанбоеваКундузхонПарпалиевна, доктор педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Матчанов Сапа доктор педагогических наук, профессор Кадиров Валижон Абдурахмонович доктор педагогических наук(DSc)
Ведущая организация:	Ташкентский государственный университет узбекскогоязыка и литературы имени Алишера Навои

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15.Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован по № 129). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2019 года).

Х.И.Ибраимов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых
степеней, д.п.н., профессор

Ш.Р.Ураков
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии(PhD) по педагогическим наукам.

Н.Ш.Шодиев
Председатель научного семинара при
Научном советепо присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой педагогической практике осуществление современного литературного образования и подбор дидактических материалов в учебники, внедрение передовых форм, методов и средств обучения в учебный процесс является важной проблемой эффективного обучения литературе, поэтому вводятся различные критерии и требования к отбору учебных материалов. Одним из таких «измерений» является уровень «удобочитаемости» учебного материала. Во многих штатах США, в соответствии с Законом, требуется, чтобы учебный текст соответствовал «индексу удобочитаемости» получателями образования. Требования к учебникам в России и Казахстане учитывают соответствие флеш-индексу с учетом национальных особенностей образования.

Проблема стандартизации уровня «индекса удобочитаемости» учебного текста во всем мире восходит к 20-30 годам прошлого столетия и основана на необходимости уделять особое внимание грамотности чтения. Данное положение выдвинуто в 80-х годах минувшего века Международной ассоциацией читателей и Национальным советом учителей английского языка США. Все это свидетельствует об актуальности мирового педагогического мышления относительно качества и эффективности литературного образования посредством выбора учебных материалов для учебников.

Качество и эффективность литературного образования в системе образования нашей страны служат будущему нации, поэтому создаются учебники, учебные пособия, электронные книги, справочники, сборники нового поколения, особое внимание уделяется культуре чтения. В то же время существует потребность в совершенном учебном материале, который обеспечивает духовное развитие учащихся с учетом возраста, прививает им интерес к чтению, театру, искусству, культуре, спорту и способствует умственному воспитанию. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы направлена на повышение качества образовательных услуг и продолжение политики подготовки высококвалифицированных специалистов для удовлетворения потребностей современного рынка труда. В связи с этим важно совершенствовать учебные материалы, усваиваемые на уроках литературы, повысить эффективность использования современных форм, методов и средств. Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», указе Президента ПФ-4789 от 12 января 2017 года «О развитии системы издания и распространения книжной продукции, созданию комиссии по повышению

